

RENESSANS



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI Oliy Ta'lim, Fan va
Innovatsiyalar Vazirligi

RENESSANS TA'LIM UNIVERSITETI

**"SHARQ RENESSANSE: TARIX,
TA'LIM VA TARBIYANING
NAZARIY VA AMALIY AHAMIYATI"**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA
ILMIY KONFERENSIYASI
TO'PLAMI**

2024-yil 15-mart

Toshkent sh.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI**

RENESSANS TA'LIM UNIVERSITETI

**"SHARQ RENESSANSI: TARIX, TA'LIM VA TARBIYANING NAZARIY VA AMALIY
AHAMIYATI"**

mavzusidagi Respublika ilmiy konferensiyasi materiallari

2024 yil 15 may, Toshkent shahri

Manzilingiz: <https://renessans.edu.uz/uz/>

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАРБИЙ МАДАНИЯТ ОМИЛИ

*Каххаров Сиявуш Худаярович
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ўқитувчиси*

Мамлакат муҳофазасининг асосий кўрсаткичи ҳақиқий ватанпарвар, маънан етук, тажрибаси ва билимини Ватанга бахшида этувчи авлодни шакллантириш, давлат бошқарувининг юксак самарадорлиги, ҳарбий саноатнинг тўғри стратегияси, замонавий қурол ва техникалар ишлаб чиқариш билан изоҳланади. Айни пайтда жаҳон ҳамжамиятида мавқеини белгилаб берадиган, замонавий қуролли кучлар, шунингдек, маънан етук, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, тезкор-стратегик бошқариш тизимини, ҳарбий маданиятини ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришида замонавий механизмларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ҳарбий соҳага муносабат тубдан ўзгарди. Ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш, ҳарбий кўшикларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг тезкор механизмларини ишлаб чиқиш, шахсий таркибнинг маънавий-руҳий ҳолатини яхшилаш, ахлоқий-руҳий катэгорияларини такомиллаштириш стратегик вазифалардан бирига айланди. Халқимизнинг бой ҳарбий тарихи, ҳарбий маданияти, ҳарбий маънавий мероси, гоя ва мафкураси, ҳарбий қурилиш борасидаги долзарб масалалар ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг маънавий асоси ҳисобланади. Чунки, "Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдирини учун маъсулият ҳисси йўқлиги ёки локаллик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин" [1]. Бугунги куннинг асосий масаласи бўлиб турган, шунингдек, мамлакат раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилган оқибатларнинг олдини олиш учун бу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Албатта бу жабҳада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шаклланиши, профессионал тизимга ўтиш тарихи, ҳарбий ватанпарварлик тарбия назарияси, ҳарбий хизматчиларнинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг фалсафий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлари, ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ва жаҳон тажрибасида ҳарбий ватанпарварлик гояларининг талқини, ривожланиш босқичи ва ўзига ҳос хусусиятлари, тараққиёт тенденциялари, профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг ташкилий, ҳуқуқий асослари, бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш механизмларига оид изланишлар[2] олиб борилган. Шунингдек, жамият ҳарбий маданиятининг маданий концепцияси[3] ва ҳарбий маданият турлари [4] атрофида таҳлил қилинган. Ҳарбий маданиятнинг «маданий» жиҳатдан ўзига хослиги, унинг моҳияти ва мазмунини муайян маданият сифатида ўзига ҳос хусусияти, «ҳарбий маданият» тушунчасини таҳлил қилишда унга яқин тушунчаларнинг синоним доирасини аниқлаш, уларнинг назарий жиҳатларини кўриб чиқиш, ҳарбий маданиятни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилиш [5], ҳарбий маданият турли субъектлардаги ҳарбий меъёрий кадриятлар, маънавий-ахлоқий ва белги элементларини камраб олиши ва уни кенг ва тор маънода қўлланилиши[6], ҳарбий маданият моддий ва маънавий меҳнат бўлиб, шу соҳага тегишли бўлган кадриятлар, меъёрлар, ахлоқий қондаларни ўз ичига олишига оид бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Биламизки, ҳарбий маданият ижтимоий ҳодиса бўлиб, умумий маданиятга боғлиқ ҳолда ривожланади. Ҳарбий маданият жамият умумий маданияти эмас, балки унинг таркибий қисми ва ўзароалоқадорликда ривожланади. Ҳарбий маданият мамлакатнинг ҳарбий тизимдаги фаолиятини, ижтимоий ҳаёт, шахс, сиёсатдаги динамик муносабатларни, профилактик, фортификация, хавф-хатарнинг бартараф этиш, тақик, тугатиш, тинчликни таъминлаш функцияларини мувофиқлаштиради. Ҳарбий маданиятнинг роли жамият ҳаётининг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳарбий соҳани, атроф-муҳитдаги ҳарбий-маданий

ходисаларнинг моҳияти ва мазмунини ақс эттирадиган тартибга солиш, тўплаш, мослашши, эпистемологик қабл муҳим функциялар орқали намоён бўлади.

Шунингдек, у ўзининг ҳарбий урф-одат ва анъаналари орқали муайян билим, ҳарбийлар ҳаётига доир маълумотлар, ҳулқ-атворнинг мукамил намунасини кўзлаган ҳолда ўзаро муносабатларнинг принципларини ҳам ўзида мужассамлаштиргани учун улардан тарбия жараёнида фойдаланиш имкониятларини яратди. Ҳарбий маданият компетенциялари ҳам профессионал асослар билан бирга коммуникативликни, ахборотлар билан ишлашда анализ ва синтез қилиш, аналитик таҳлил қобилиятини, ўзини-ўзи ривожлантирувчи ва синергетик ёндошувни, ижтимоий фаолликда ташаббус ва тadbиркорликни ва энг муҳими умуммаданий талабларни яхлит ишлатиш имкониятларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Мамлакат ҳарбий маданиятининг ривожланиши мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва замонавий модернизацияга боғлиқ бўлиб, давлатда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун муайян ҳаракатларнинг тўғри амалга оширилиши, жамият ҳарбий маданияти ривожланишининг омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Янгилашиб бораётган Ўзбекистон таракқиётида ҳарбий маданиятнинг маданий тизимдаги ўрнини аниқлаш ҳам муҳим масала бўлиб, Ватан ҳимояси, ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик анъаналарининг жамият сиёсий маданиятида ақс этиши ва мудофаавий онг ва ҳарбий маданият механизмларини ҳар томонлама ўрганиш, илмий педагогик нуқтан-назардан асослаб беришни тақозо қилади. Чунки ҳозирги таҳликали шароитда ҳар бир давлатда амалга оширилаётган, ҳарбий ислохотлар фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг мудофаавий онг ва маданиятини шакллантириш, уни янада юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сирасига киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқ // <https://president.uz/uz/lists/view/>.

2. Эшнаев Н.Ж. Ўзбекистон Республикасида профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Филс. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2008; Ахроров С.Ю. Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант ҳулқ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари. Соц. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2009; Усмонов К.Х. Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик гояларининг таъкили. Филс. фан. ном. ... дис. авторефер. – Тошкент: ЎЗМУ, 2017. – 42 б. Эшнаев Н.Ж. Ўзбекистон Республикасида профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий- фалсафий асослари. Филс. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзФА, Фил. ва ҳуқ. инст., 2008. – 164 б. Алимардонов З.Ш. Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш. Пед. фан. филс. док. дис. автореф. – Тошкент: ЖФҲ, тил. Унв., 2019. – 45 б.

3. Гребенков В.Н. Военная культура российского общества: философско-культурологическая концепция. Дисс. ... канд. филос. наук. – Ставропол, 2011. – 185 с.

4. Фейблман Д. Типы культуры // Антология исследований культуры. – М.: СПб, 1997. – С. 203-224.

5. Ҳашимова Г.И. Ўзбекистон миллий армияси ҳарбий маданияти ва унинг фалсафий таҳлили // Фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент, 2020. – № 1. – Б. 247-253. (09.00.00. № 25); Ҳашимова Г.И. Ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг педагогик ва психологик хусусиятлари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – Тошкент, 2016. – № 142. – Б. 194-197. (09.00.00. № 14).